Адл ила олам юзин обод қил

# Куч – адолатда

2022 йил
4 февраль,
жума
№ 6-7 (885)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***3 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.***

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда Ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис иши "O'zbekiston" ва "UzReport" телеканалари, шунингдек, Сенатнинг www.senat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган Тараққиёт стратегиясида яқин ва ўрта истиқболда Ўзбекистоннинг ривожланиш тенденциялари, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини комплекс ривожлантириш йўналишлари аниқ белгиланган.

Ушбу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, уни ишлаб чиқишда мавжуд муаммолар эътиборга олинди, ечимини кутаётган долзарб вазифалар акс эттирилди. Энг муҳими, ҳужжатнинг ишлаб чиқилишида халқимиз фаол иштирок этди.

Тараққиёт стратегиясида 7 та устувор йўналиш бўйича "Инсон қадри учун — 100 та мақсад" белгилаб олинган.

Давлат дастури ижроси доирасида 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард доллар миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурининг инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш йўналиши ижросини таъминлаш Олий Мажлис палаталари масъул этиб белгиланган.

Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижроси юзасидан парламент назорати йўлга қўйилади.

Мажлисда, шунингдек, мамлакатимизда ислоҳотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди.

Хусусан, халқ депутатлари Кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Давлат дастури маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш бўйича чораларни ҳам назарда тутади. Бунда ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллаларнинг ваколатларини, уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини кенгайтириш, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш каби вазифалар амалга оширилади.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш, давлат бошқаруви органлари фаолиятини "фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш" тамойили асосида трансформация қилиш, ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Шунингдек, бюджет ташкилотларига аниқ стратегик вазифалар қўйиш, уларга сўров юбориш амалиёти жорий қилинади. Ҳудудлар билан тўғридан-тўғри, масофавий ишлаш йўлга қўйилади, ҳудудларни ривожлантириш масалаларида вакиллик органлари иштироки кучайтирилади.

Муҳокамаларда ушбу вазифаларнинг жойлардаги ижроси Сенатнинг тегишли қўмиталари ҳамда ҳудудлардаги сенаторлар ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Сенатнинг чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг "Географик кўрсаткичлар тўғрисида"ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизими такомиллаштирилди.

Интеллектуал мулк соҳасидаги миллий қонунчиликка мувофиқ минтақавий брендларни ривожлантиришнинг воситаларидан бири интеллектуал мулкнинг объекти бўлган товар келиб чиққан жой номлари ҳисобланади. У географик объектлар, шу жумладан, маъмурий-ҳудудий бирликлар, табиий объектлар билан узвий боғлиқдир.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда фақат 4 та товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилган, шулардан атиги 2 таси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлса, қолган 2 таси хорижий ишлаб чиқарувчиларга тегишлидир.

Бундай ҳолат интеллектуал мулкнинг бу соҳаси Ўзбекистон ҳудудлари маълум бир ҳудудга хос маҳсулотларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик соҳасидаги маҳсулотларни оммалаштириш ва ривожлантиришда имкониятлар етарли даражада бўлмаганлигини кўрсатади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## 2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган **300 га яқин** қонун, **4 мингдан зиёд** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.*

*Моҳият*

## Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс

### фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси мустаҳкамланмоқда

Ҳажм жиҳатидан салмоқли, жамият ҳаётининг барча жабҳаларига маълум маънода дахлдор бўлган мазкур ҳужжатни қабул қилиш зарурати нимада, деган савол туғилиши табиий.

Гап шундаки, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали хизмат қилди. Ўтган давр мобайнида мазкур кодексдаги нормалар давр талабидан келиб чиқиб, такомиллаштириб борилди.

(Давоми 5-бетда) ▶

*Шарҳ*

## Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари маъмурий суд ҳимоясида

***Мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсадларга эришиш олдимизда турган энг долзарб вазифадир.***



Янги Ўзбекистон шароитида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти тизимининг самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш асосий масалалардан биридир.

(Давоми 5-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРДА ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ СУДЛАРГА БЎЛГАН ИШОНЧИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда суд тизимини демократлаштириш, судлар фаолияти шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришга қаратилган салмоқли ишлар бажарилди.

Олий суднинг расмий веб-сайтида барча суд қарорлари доимий равишда эълон қилинмоқда, судлар ўз қарорларининг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириб келмоқда, суд раислари ҳар чоракда оммавий ахборот воситалари билан брифинглар ўтказмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш зарур бўлиб ҳисобланади.

Жамиятда маъмурий судларга бўлган ишончни янада ошириш мақсадида давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш талаб этилади.

Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида:

1. Маъмурий судларнинг **биринчи навбатдаги вазифаси** фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда **улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш** ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий суд Судьялар олий кенгаши ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячиси**га айлантиришга қаратилган қуйидаги тартибларни процессуал қонун ҳужжатларида белгиланишини таъминласин:

маъмурий суд ишларини юритишни **"суднинг фаол иштироки"** тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса **далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга** шароит яратиш;

(Давоми 4-бетда) ▶

*Парламент фаолияти*

## Қонунчиликдаги янгиликлар

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилишди.*



**Қўриқлаш фаолияти: амалдаги қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш зарурати**

Йиғилишда дастлаб **"Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда батафсил кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгиловчи амалдаги қонунчилик ҳужжатлари тизимлаштирилмаган, қўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари қонун ҳужжатларида белгиланмаган.

Объект, мулк ва шахсни қўриқлаётган ходимлар томонидан давлат мажбурлов чораларини кўриш, кадрларни танлаш, тайёрлаш ва ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари қонун даражасидаги ҳужжат билан тартибга солинмаган. Бу эса, қатор ноқулайликларни келтириб чиқараётган эди.

(Давоми 5-бетда) ▶

*Миллат фидойилари*



## ТАРИХИЙ АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ТИКЛАНДИ

### Олий судда мустабид тузум даврида қатоғон қурбони бўлган ва ҳозирга қадар иши қайта кўриб чиқилмаган 120 нафар шахс оқланди

***Янги йил Ўзбекистон Президенти илгари сурган "Инсон қадри учун" тамойилини мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида кенг татбиқ этишга қаратилган янгиланиш ва бунёдкорлик кайфияти билан бошланди. Буни, жумладан, юртимиз суд-ҳуқуқ тизими фаолиятидаги эзгу ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

Хусусан, 2022 йил 6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида мустабид тузум даврида қатағон қурбони бўлган 120 нафар шахсга оид жиноят ишлари кўриб чиқилди ҳамда уларнинг барчаси оқланди.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Қонун кўмаги*

## Ҳалол меҳнат қадри

### марҳум ходимнинг оила аъзоларига 250 миллион сўмлик компенсация ундириб берилди



**Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи қонун асосида кафолатланган. Хусусан, ишчи-ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки бошқа турда шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тартиби ҳам қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйилган.**

(Давоми 6-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# 2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Жаҳон микёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда **"Инсон қадри учун" тамойили** асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида **"Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" тамойили**га асосан ишлаб чиқилган қуйидаги **еттита устувор йўналишдан** иборат **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** (кейинги ўринларда — Тараққиёт стратегияси) ва уни **"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид** давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

**инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини** янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда **адолат ва қонун устуворлиги** тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни **жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш;

**адолатли ижтимоий сиёсат юритиш,** инсон капиталини ривожлантириш;

**маънавий тараққиётни таъминлаш** ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда **умумбашарий муаммоларга ёндашиш;**

мамлакатимиз **хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат** олиб бориш.

2. Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **уч ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан, "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"ни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" билан интеграция қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш** йўлга қўйилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсин;

в) **2023 йил 1 январдан бошлаб** пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бароборидан ўн икки бароборигача оширилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) **уч ой муддатда** Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунига қуйидаги ўзгартиришлар киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин:

аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш;

болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш.

3. **Маҳалланинг "фаол" модели**ни жорий этиш, уни аҳоли **муаммоларини бевосита ҳал қилиш** ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида **2022 йилда:**

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** фаолияти самарали йўлга қўйилсин;

барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича **муаммоларни ўрганиши** ва **уларга ечим топиши тартиби** жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини **баҳолашнинг бош мезони** сифатида белгилансин;

маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилсин;

маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, молиявий имкониятлари кенгайтирилсин;

маҳаллаларнинг **"ўсиш нуқталари"** ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширилсин;

маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида **спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш** ва **ўқитиш марказлари,** тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин;

маҳаллани жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан, маҳалла раиси томонидан маҳаллий **Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш**нинг самарали механизмлари йўлга қўйилсин;

фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан **ишончсизлик билдириш институти** жорий этилсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (М.Убайдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** кенг жамоатчилик, шу жумладан, маҳалла тизимида кўп йиллик иш стажига эга ходимларни жалб қилган ҳолда маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва янгиланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Тараққиёт стратегиясида **таълим сифатини ошириш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) **1 апрелдан бошлаб** нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига **3 миллион сўм**гача бўлган тўловлари **даромад солиғидан озод этилсин.**

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **икки ой муддатда** Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида:

умумий ўрта таълим муассасаларида **дарсликларни янгилаш** дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан **605 миллиард** сўм ажратилсин;

**141 мингта** янги ўқув ўринлари яратилсин ва уларнинг сони **2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача** етказилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги ўқув ўринларини яратиш ва мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича чораларни кўриб борсин.

5. Тараққиёт стратегиясида **аҳоли саломатлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) ҳудудларда бирламчи тиббий хизматини **"бир қадам" тамойили** асосида йўлга қўйиб, **105 та оилавий шифокор пункти** ва **31 та оилавий поликлиника** ташкил этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда тегишли қурилиш ишларини **2022 йил якунига қадар** якунлаш бўйича амалий чораларни кўрсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда **икки ой муддатда** хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўллашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга бепул тиббий хизматларни кўрсатиш механизми жорий қилинишини таъминласин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар:**

2022 йилда иқтидорли ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчи ва шифокорларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин ҳамда малакани баҳолаш услубиёти асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни **жадал ривожлантириш** ва **юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2022 йилда йиллик **инфляция** даражасини **9 фоиз**гача ва 2023 йилда **5 фоиз** ҳамда **фискал тақчилликни 3 фоиз**гача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилсин.

Бунда давлат улушига эга **тижорат банкларида трансформация** жараёнларини якунлаб, **2026 йил якунига қадар** банк активларида хусусий сектор улуши **60 фоизгача** чиқарилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Кўчқоров) Марказий банк (М.Нурмуратов) билан биргаликда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларни **доимий равишда** кўриб борсин;

б) **2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи** ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида **фойда солиғи** ставкаси 15 фоизгача **туширилсин.**

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) **"Яшил иқтисодиёт"** технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилсин.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида қуйидаги лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

Энергетика вазирлиги (А.Султанов), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) **2022 йил 1 мартга қадар** — қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш дастурлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А.Султанов) **2022 йил 1 июнга қадар** — саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича "яшил иқтисодиёт"га ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш дастури ҳамда электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича қарор.

8. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шароити "оғир" бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттирилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 октябрга қадар** шароити "оғир" бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси **1 фоиз** ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан **1 фоиз** ставкада тўлаш тизимини жорий этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич **тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш** тартиби жорий этилсин ҳамда такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, **ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилсин.**

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д.Қосимов) ва Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов) билан биргаликда **уч ой муддатда** тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар хатловдан ўтказиб, уларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли йўналишлар бўйича ягона реестрга киритиш ҳамда ушбу реестрни **2025 йилга қадар тўлиқ ишга тушириш** юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. **2022 йил 1 апрелга қадар** тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда соддалаштирилсин:

айрим фаолият турларига фақат малакавий талабларни белгилаш орқали бино ва иншоот, хона, асбоб-ускуна, техника воситалари, бошқа жиҳозлар ҳамда уларга бўлган шартларни бекор қилиш;

фаолият йўналишидаги эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисни танлаш ҳуқуқини бериш орқали штатида мавжуд бўлиши шарт бўлган ходимларга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш;

муайян фаолият билан кўчма тартибда, шу жумладан, автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда шуғулланиш имкониятини яратиш;

хизмат кўрсатиш мамлакат ҳудудидан ташқарисида амалга оширилиши сабабли хориждан келган буюртмалар бўйича миллий стандарт ва талабларни бекор қилиш;

"боғловчи-оператор" сифатида масофавий хизмат кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари (агрегаторлар) фаолиятига доир махсус шартларни белгилаш орқали айрим лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш бўйича талабларни бекор қилиш.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар талабларининг мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

11. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва **хусусий сектор учун кенг йўл очиш** мақсадида эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига **25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар** тугатилсин:

**2022 йилда** — 14 та, шу жумладан, сертификатлаштириш хизматлари;

**2023-2025 йилларда** — 11 та, шу жумладан, нефть маҳсулотларини сақлаш, темир йўлларда ташишда қўшимча хизматларни кўрсатиш, аэровокзал ва вокзал олди комплексларини юритиш хизматлари, темир йўлда экспедиторлик хизматлари.

12. Тараққиёт стратегиясида **ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида **ҳудудлар билан ишлашнинг** қуйидагиларни назарда тутувчи **янги тартиби** ўрнатилсин:

2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча **туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини** чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади;

**ҳар чорак якуни бўйича** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги** вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисобот беради;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган **муҳим лойиҳалар** барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда **маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин** қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** 2022-2026 йилларга мўлжалланган республиканинг ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар лойиҳаларини тасдиқласин.

13. Давлат бошқаруви органларининг **"Давлат — инсон учун" тамойили** асосида **ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш** ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида:

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилсин;

барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан, жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин;

давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб борилсин;

давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш тизими яратилсин;

ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **тўрт ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган тизимни самарали йўлга қўйиш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш мақсадида **2022 йилда:**

фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек, ўзаро боғлиқ давлат хизматларини мурожаатни кутмасдан таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

**"Фуқароларнинг рақамли паспорти"** лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан туғилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаҳодатнома ва диплом каби муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинсин;

кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилсин.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) **2022 йил 1 октябрга** қадар давлат хизматлари тизимини халққа янада яқинлаштириш, навбатларни қисқартириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва хусусий секторга ўтказиш чораларини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Тараққиёт стратегиясида **адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида **2022 йилда:**

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан **бепул юридик ёрдам кўрсатиш** тартиби жорий этилсин;

қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминлансин;

**ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр** юритилиши йўлга қўйилсин.

16. Жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун **"дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"**ни бериш тизими жорий қилинсин.

Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) **уч ой муддатда** "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"ни бериш тизимини ишга туширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) ва Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой муддатда** ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш бўйича дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратиш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашга ҳамда **"Очиқ бюджет"** ахборот портали орқали йўналтириладиган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилсин.

18. **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ҳамда унинг ишчи гуруҳи таркиблари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия ва ишчи гуруҳ зиммасига Тараққиёт стратегиясига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, уни 2023-2026 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларининг тайёрланишини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

19. Белгилаб қўйилсинки:

Тараққиёт стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади;

Тараққиёт стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

20. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази таъсисчиларининг "Тараққиёт стратегияси" марказининг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ **тадқиқот ва "ақл" маркази сифатида қайта ташкил этиш** ҳамда қуйидаги қўшимча вазифалар юклатиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

тегишли йўналишларда аниқланган тизимли муаммоларни, жумладан, бюрократик тўсиқлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, ишламаётган ҳуқуқий механизмлар, эскириб кетган қоидаларни умумлаштириш;

**(Давоми 3-бетда)** ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# 2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1 ва 2-бетларда)**

кўтарилаётган тизимли муаммолар ва Тараққиёт стратегиясида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиб бориш;

тадбиркорлар, олимлар, экспертлар ҳамжамияти ва жамоатчилик вакиллари билан бирга тизимли муаммоларни муҳокама қилган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

тегишли йўналишлар бўйича мавзули ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий изланишлар олиб бориш.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** "Тараққиёт стратегияси" марказининг фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, шунингдек, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш учун **"илмий майдон"** яратиш бўйича чораларни кўрсин.

21. "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ва "Ватандошлар" фондининг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнларига миллий ва халқаро ҳамжамиятни кенг жалб қилиб боришга қаратилган қуйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб борувчи **Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилик гуруҳини** ташкил этиш;

ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаолларидан иборат **Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик гуруҳларини** ташкил этиш ва тизимли равишда жамоатчилик эшитувларини ўтказиб бориш;

фуқаролар томонидан кўтарилаётган ташаббусларни умумлаштириб, фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда **жамоатчилик лойиҳаларини** илгари суриш.

22. "Тараққиёт стратегияси" маркази Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан таҳлилий ва ахборот материалларини Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва оммавий ахборот воситаларида акс эттириб бориш чораларини кўрсин.

23. "Тараққиёт стратегияси" маркази ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг **жойлардаги ижроси натижадорлигини аҳолига етказиш бўйича онлайн портални** ишга туширсин.

Бунда чора-тадбирлар ижроси бўйича аҳолининг фикрлари, таклиф ва эътирозларини қабул қилган ҳолда илгари сурилган ташаббуслар тизимлаштирилиб, ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борилсин.

24. Вазирлар Маҳкамаси:

**мунтазам равишда** Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

**ҳар чоракда** Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ижро этиш ҳолатини ҳар томонлама муҳокама қилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўйган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриб борсин;

Тараққиёт стратегиясини кейинги йилларда амалга ошириш бўйича йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини ўз вақтида тайёрлаб борилишини таъминласин.

25. Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борсин.

26. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда **мунтазам равишда:**

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини **ҳар ойда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш **Республика комиссияси** зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2022 йил 28 январь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Товар келиб чиққан жой номларига бўлган қатъий талаблар ўрнатилмаганлиги туфайли мамлакатда минтақавий брендлар ривожланмасдан қолмоқда.

Сенаторлар томонидан муҳокама қилинган "Географик кўрсаткичлар тўғрисида"ги қонунда илк маротаба "географик кўрсаткич" тушунчаси акс эттирилган.

Товарни муайян географик объект ҳудудидан келиб чиққан товар сифатида идентификацияловчи белги географик кўрсаткич деб эътироф этилиб, унда товарнинг сифати, ном қозонганлиги ёки бошқа хусусиятлари унинг географик жиҳатдан келиб чиқишига сезиларли даражада боғлиқ бўлади.

Географик кўрсаткич, ишлаб чиқарилаётган товарни белгилаш учун номи қўлланиладиган мазкур географик объектда жойлашган бир нечта юридик ёки жисмоний шахсларнинг талабномасига биноан рўйхатдан ўтказилиши мумкинлиги, бошқа манфаатдор шахслар бўлмаган тақдирда битта юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказишга доир талабнома бериш мумкинлиги белгиланмоқда.

Мазкур қонун ўзининг ноёб маҳсулоти учун белгини рўйхатдан ўтказишни хоҳловчи ишлаб чиқарувчилар сони кўпайишига, энг асосийси минтақавий брендларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу эса, ишлаб чиқарувчиларнинг географик кўрсаткич билан ҳимояланадиган қўшимча қийматга эга ўз маҳсулотининг маҳаллий ва хорижий бозорларга чиқишига имкон яратади.

Қолаверса, ҳудудларга туристик оқимнинг кўпайиши, "гастрономик туризм"нинг ривожланиши ҳамда ҳудудларнинг туристик жозибадорлигининг ошиши айнан мазкур қонун билан боғлиқлиги сенаторлар томонидан эътироф этилди.

Сенат аъзолари ушбу қонунни маъқуллади.

Сўнгра сенаторлар "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни сенаторлар томонидан маъқулланиб, 2021 йил декабрь ойида Президентимиз томонидан имзоланган эди.

Ҳеч шубҳасиз, қабул қилинган Конституциявий қонун мамлакатимизда фавқулодда ҳолат содир бўлганда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

"Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан 5 та қонун ва 1 та Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунига қўшимча киритилиб, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши даврида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президентининг амалдаги қонуности ҳужжатларини тўхтатиб туришнинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги фармонига асосан фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши даврида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туришни назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Сенаторлар томонидан маъқулланган қонуннинг яна бир эътиборли жиҳати фавқулодда ҳолат жорий қилинганда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида фавқулодда ҳолат амал қилиш даврида сайловлар ўтказилиши чекланмоқда.

Ушбу чекловлар билан боғлиқ нормалар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига киритилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, туризм йўналишини миллий иқтисодиётнинг драйвер соҳаларидан бирига айлантириш мақсад қилиб олинган. Бунда фойдаланилмаган кенг имкониятлар, табиий шароит, тарихий ва маданий обидалар мавжуд. Тарихий маданий обидаларимиз нафақат моддий мерос сифатида, балки халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида ҳам аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ҳам моддий маданий мерос объектлари муҳофазасини кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Муҳокама давомида, Сенат томонидан Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида олиб борилган ўрганишлар мобайнида моддий маданий мерос объектларига жуда катта миқдорда зарар етказиш ҳолатлари аниқланганлиги, давлат муҳофазасига олинган айрим археологик объектлар йўқ бўлиб кетганлиги ҳам таъкидланди.

Айрим ҳолларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобига маданий мерос объектларида амалга оширилаётган ишлар реставрация қилиш талабларига зид равишда олиб борилиб, уларнинг тарихий ва бадиий қимматига кўп миқдорда зарар етказилмоқда.

Жумладан, Ситораи Моҳи Хосса тарихий мажмуасида олиб борилган реставрация ишлари аҳволи ўрганилганида мажмуада реставрация ишлари нотўғри олиб борилгани оқибатида унинг бадиий безаклари, нақшлари, кошинлари нобуд қилиниб, тарихий ва бадиий қийматига жами 28 миллиард сўмлик зарар етказилгани аниқланган.

Мазкур ҳолат бу турдаги ҳуқуқбузарликларни фош этиш ва олдини олиш бўйича махсус билим ва тажриба, шунингдек, замонавий ёндашув талаб этилишини, тергов жараёнлари малакали терговчилар томонидан олиб борилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Мавжуд муаммоларнинг қонуний ечимини белгилаш мақсадида "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилган.

Қонун билан моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш, бундай тоифадаги объектларга жуда кўп миқдорда зарар етказганликни ифодаловчи қилмишларни оғир жиноятлар тоифасига ўтказиш, Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатма ва тақдимномаларини белгиланган муддатда ва тўлиқ бажарилмаганлиги юзасидан жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар кун тартибидаги навбатдаги масала — "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунни муҳокама қилишди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси К.Бурхонов қайд этганидек, қонун амалиётда учраётган муаммоли ҳолатларни келтириб чиқараётган қонунчиликдаги номувофиқликларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $227^{21}$ ва $227^{23}$-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, чегара қўшинларига ушбу моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни, ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларидан фойдаланиб содир этилганида мазкур транспорт воситаларини ушлаб туриш ваколати берилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 224 ва $224^{1}$-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни (чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш, уларда яшаш қоидаларини бузиш ҳамда давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш) кўриб чиқиш ваколати чегара қўшинларига берилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролар ортиқча вақт сарфлашининг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан Меҳнат, Фуқаролик ва Солиқ кодексларига ҳамда амалдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Киритилаётган янгилик орқали фуқароларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кучайтирилмоқда.

Яъни, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунда ногиронлик пенсиялари I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, шунингдек, Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам тайинланиши белгиланмоқда.

Таълим муассасаларида ўқиётган етим болаларга 23 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи берилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида карантинли вазият юзага келиб, чеклов чоралари қўлланилган тақдирда, фуқаролар пенсия тайинлашни сўраб ўз вақтида мурожаат эта олмай, чекловлар тугатилганидан кейин бир ой ичида мурожаат этса, уларга пенсия олиш ҳуқуқи юзага келган кундан эътиборан пенсия тайинланиши назарда тутилмоқда.

Болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини иш стажига қўшиб ҳисоблаш жами даври 3 йилдан 6 йилга ўзгартирилмоқда.

Фуқаролик кодексига киритилаётган ўзгартиришга кўра эндиликда автомототранспорт воситалари электрон онлайн-аукцион орқали ижарага берилганда ижарага бериш шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш талаб этилмайди. Бунда онлайн-аукцион натижаларига кўра расмийлаштирилган баённома ижара шартномаси кучига эга эканлиги белгиланмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонунга киритилаётган ўзгартириш билан Савдо-саноат палатасига маҳаллий хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган форс-мажор ҳолатларини тасдиқлаш ваколати берилмоқда.

Солиқ кодексига Ўзбекистон ҳудудига ўсимлик ёғи, мол, қўй ва товуқ гўшти, тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотлар, картошка, музлатилган балиқ кабиларни олиб кириш ва реализация қилиш бўйича айланма 2021 йил 10 октябрдан 2022 йил 30 апрелга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилишни назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад шахсий ҳужжатлари билан боғлиқ муносабатларда мавжуд муаммо ва камчиликларни, шунингдек, доимий прописка билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш, амалда бўлган биометрик паспорт билан боғлиқ янги ҳуқуқий муносабатлар жорий қилинганлиги боис қонунчиликни такомиллаштиришдан иборат.

Бугунги кунда "прописка" сўзи маънан эскирганлиги ва ушбу атама фуқаролар онгида "тўсқинлик қилувчи", "эркинликни чекловчи" деган тушунчаларни келтириб чиқармоқда. Шу муносабат билан, қонун ҳужжатларидаги "доимий прописка қилиш" ва "турган жойи бўйича ҳисобга олиш" тушунчаларини "доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш" ва "вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш" тушунчаларига алмаштирилмоқда.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан хорижга чиқиш биометрик паспорти жорий қилинганлиги сабабли қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бир қатор қонунларга биометрик паспортга оид ишлатилаётган тушунчалар келгусида идентификация ID-картаси билан қўлланилиши сабабли идентификация ID-картаси тушунчаси киритиш белгиланмоқда.

Қонун қабул қилиниши натижасида ҳуқуқни қўллаш амалиётида "доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш" нормаларининг бир хилда бўлиши ҳамда бир хил кўринишда қўлланилишига, идентификация ID-картасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тушунчалар ва ҳуқуқий қоидалар мослаштирилишига эришилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенциясини (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунни ҳам кўриб чиқишди.

Конвенция 1988 йил 20 июнда ХМТ Бош конференцияси сессиясида қабул қилинган. Конвенция қурилиш фаолиятининг барча турларини, яъни қурилиш, фуқаролик қурилиши, монтаж ва демонтаж ишларини, шу жумладан, қурилиш майдонидаги майдонни тайёрлашдан то объект қуриб битказилгунга қадар ҳар қандай жараёнлар, операциялар ёки транспортда ташиш ишларини қамраб олади.

Муҳокамаларда сенаторлар Ўзбекистонда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларига риоя қилиш ҳолати, бу борадаги асосий муаммоли нуқталар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Мазкур конвенция 32 давлат, шу жумладан, Россия Федерацияси, Беларусь ва Қозоғистон каби МДҲ мамлакатлари томонидан ратификация қилингани қайд этилди.

Шунингдек, Конвенциянинг аксарият норма ва қоидалари миллий қонунчиликка татбиқ этилгани алоҳида таъкидланди.

Ушбу конвенциянинг ратификация қилиниши қурилиш соҳасига меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади. Бу, айниқса, мамлакатимизнинг меҳнаткашлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлашда асосий халқаро принцип ва стандартларга содиқлигини кўрсатади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда "МДҲ иштирокчи — давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Битимнинг асосий мақсади — сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлар қўйилган товарларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, шунингдек, бундай товарларни МДҲ мамлакатлари давлат чегаралари орқали олиб ўтишнинг олдини олиш, аниқлаш ва бунга чек қўйиш масалалари бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Мазкур Битим доирасида томонлар масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ваколатли органлар томонидан аниқланган сохта товар ва географик кўрсаткичлар қўйилган товарларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш ҳолатлари юзасидан мунтазам равишда ахборот алмашиши, шунингдек, интеллектуал мулк соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда саноат мулки соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан ҳамкорлик йўлга қўйилиши эътироф этилди.

Шунингдек, ваколатли давлат органларига экспорт божхона режими орқали географик кўрсаткичларни божхонада назорат қилиш вақтида уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасида қўшимча вазифа ва функциялар юкланиши таъкидланди.

Сенаторлар қайд этганидек, Битимнинг муҳим қоидаларидан бири Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлмаган давлатлар интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича ЖСТ Битим тамойиллари ва нормаларига амал қилишга интилиш ҳисобланади.

Битимнинг қабул қилиниши МДҲ иштирокчи-давлатларининг тегишли органлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 16-18 декабрь кунлари Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда янги босқич бўлганини ҳамда ҳамкорликни стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига олиб чиққанини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи якунларига кўра туб бурилиш ясайдиган кенг кўламли келишувларга эришилганига урғу берилди.

Жумладан, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, фармацевтика, геология, IT-технология, "яшил" энергетика каби соҳаларда қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ бўлган инвестиция ва молиявий битимларнинг катта пакети имзоланди.

Ташриф чоғида халқ дипломатиясининг муҳим элементи сифатида парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат ташрифи якунлари бўйича Президентнинг 2021 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 67-сон қарори қабул қилинди, унда амалий ҳаракатларнинг учта режаси ("йўл хариталари") назарда тутилди.

Муҳокамалар доирасида сенаторлар олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ижроси устидан тизимли парламент назоратини ўрнатиш, вазирлик ва идораларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва юзага келаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш муҳимлигини таъкидлади.

Шу муносабат билан Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича Сенат комиссиясини тузиш ташаббуси таклиф этилди.

Қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти соҳасида тажриба алмашиш, Жанубий Корея молия институтлари томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар самарадорлигини ўрганиш, Жанубий Корея билан амалга ошириш режалаштирилган инвестиция лойиҳалари бўйича вазирлик ва идораларнинг таклифларини кўриб чиқиш, шунингдек, минтақалараро алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш, икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш мазкур тузилманинг асосий вазифалари бўлиши керак.

Сенаторлар, шунингдек, икки томонлама парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун майдон яратилиши мамлакатлар ўртасидаги келишувлар асосида қўйилган вазифалар ижроси юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш имконини беришини ҳам таъкидлади.

Муҳокама якунлари бўйича Сенат қарори қабул қилинди. Унга кўра сенаторлар ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар, компаниялар ва фуқаролик жамияти институтлари раҳбарлари киритилган Комиссиянинг Низоми ҳамда шахсий таркиби тасдиқланди.

Шунинг билан Олий Мажлис Сенати йигирма учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРДА ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ СУДЛАРГА БЎЛГАН ИШОНЧИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган **зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқи**ни тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш;

маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан **суд жарималарини қўллаш;**

оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида **ярашувга эришиш** механизмларини жорий қилиш.

3. **Жамиятда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига** айлантириш мақсадида мазкур қарорнинг 2-бандига асосан процессуал қонун ҳужжатларида белгиланаётган тартиблар доирасида қуйидагилар назарда тутилсин:

тарафларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича **келишув битимини тузиш ҳуқуқини** бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорини у қонуний кучга кирган кундан бошлаб **бир ой давомида ижро қилиш** ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан **суд жарималарини қўллаш;**

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарори такроран ижро қилинмаганлиги учун давлат органи ёки ташкилотининг мансабдор шахсларига нисбатан **дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш.**

4. Олий суд ва Судьялар олий кенгашининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатишни тақиқлаш, бунда **даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш;**

маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорида аниқланган ҳолатлар бошқа ишни кўраётган фуқаролик ишлари бўйича суд учун **мажбурий ҳисобланишини** белгилаш;

бир суд иши доирасида баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни **бирлаштиришни тақиқлаш.**

5. Олий суд, Судьялар олий кенгаши:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ходимларини **маъмурий судлар фаолияти ва уларнинг жамиятда қонунийликни таъминлашдаги роли** билан батафсил таништириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи "**Йўл харитаси**" тасдиқланиши ва изчил амалга оширилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** маҳаллий ижро ҳокимияти органлари биноларининг фуқаролар қабули учун ажратилган махсус жойларида **маъмурий судларнинг ижро органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги ўрни** ва **улар томонидан кўриладиган ишлар** ҳақида тушунтириш берадиган баннерларнинг кўринарли қилиб жойлаштирилишини ҳамда ижтимоий роликларнинг доимий асосда намойиш этилишини;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда **маъмурий юстиция, унинг аҳамияти ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали ҳуқуқий механизм ҳисобланиши** бўйича тематик кўрсатувлар ҳамда ижтимоий роликларнинг доимий равишда намойиш этилишини таъминласин.

6. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

**икки ой муддатда** судлар томонидан даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш бўйича "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини;

**уч ой муддатда** оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш бўйича ижобий халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини;

**бир ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритилишини таъминласин.

7. Олий суд Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича ҳамда иқтисодий судлар томонидан кўрилаётган оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ишларни, шу жумладан, акцептсиз тартибда ундиришлардан ижро ҳужжати устидан шикоят қилиш билан боғлиқ ишларнинг маъмурий судлар тааллуқлилигига ўтказиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2022 йил 29 январь*



*Миллат фидойилари*

# ТАРИХИЙ АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ТИКЛАНДИ

## Олий судда мустабид тузум даврида қатағон қурбони бўлган ва ҳозирга қадар иши қайта кўриб чиқилмаган 120 нафар шахс оқланди

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бунга қадар 2021 йил 25 август куни ҳам Олий судда кўрилган жиноят ишлари доирасида совет даврида қатағон этилган 115 нафар шахс оқланганини таъкидлаш лозим.

Бу, аввало, собиқ шўролар тузуми даврида қатағон қилинган ватандошларимизнинг пок номларини оқлаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Шунингдек, айни йўналишдаги ишларимизнинг тизимли ва бардавом эканини амалда тасдиқлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида халқимизнинг миллий ўзликни англаш, янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида қўяётган қутлуғ қадамлари мукаррам инсон зотига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, инсон хотирасига нисбатан адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришдек эзгу амаллар билан узвий боғлиқ бўлиб, келгусида халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

### *ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ*

Мамлакатимизда кейинги беш йилда Ҳаракатлар стратегияси ҳаётимизнинг барча соҳаларига изчил жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши ҳам ана шу дастурулмал ҳужжатнинг мевасидир.

Фармойишга мувофиқ, қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳнинг таркиби тасдиқланиб, асосий вазифалари белгилаб берилди.

Уларга қатағон қурбонлари номларини аниқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилди. Энг асосийси, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассислари, экспертлар, шунингдек, хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналаримиз вакилларини жалб этиш ҳуқуқи берилди.

Маълумки, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида йиллар давомида амал қилиб келган "Давлат — жамият — инсон" тамойили "Инсон — жамият — давлат" тамойилига ўзгартирилмоқда. Шу маънода, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимининг фаолияти Ҳаракатлар стратегиясига қанчалик мос ва мутаносиб равишда амалга оширилган бўлса, Тараққиёт стратегияси талабларига ҳам шунчалик уйғун ва ҳамоҳанг экани яққол намоён бўлмоқда.

Шундай экан, Тараққиёт стратегиясининг тасдиқланиши ва муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали инсон қадрини улуғлашга қаратилган улкан мақсад ва вазифаларимизга эришиш имконини беради.

### ЖАДИДЛАР КИМ ЭДИ?

XX асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз янгиланиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққан. Бу "жадидчилик" ҳаракати деган ном билан машҳур бўлган.

Аслида бу улуғ зотларнинг мақсади — жаҳолат ва қолоқлик гирдобида қолган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илғор касб-ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига, яъни янги тараққиёт манзилига олиб чиқишдан иборат эди.

Жадид боболаримиз ташкил этган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета ва журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқишга юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизни неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотиб, миллий озодлик ҳаракати учун беқиёс куч берган.

Аммо юртимизда большевиклар диктатураси ўрнатилгач, чор мустамлакачилик сиёсати янгича шаклда давом эттирилди. Бу эса, маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермади.

Энг ачинарлиси, маърифатпарвар аждодларимиз шаъни "босмачи" деган ноҳақ тавқи лаънат билан топталди. Шу боис, бугунги чиқишларимизда "босмачилик" сўзини нима сабабдан қўштирноқ ичида ёзишимизни мухтасар изоҳлаймиз.

Гап шундаки, босмачилик — Туркистонда совет ҳокимияти ва босқинчи қизил армияга қарши курашган қуролли ҳаракатга шўро ҳукумати даврида берилган расмий ном. Бинобарин, "босмачи" ва "босмачилик" иборалари 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал вақтли матбуот, сўнгра расмий ҳужжатларда кенг ишлатилган.

Ушбу иборалар миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш, аждодларимизнинг совет режими ва большевиклар ҳукмронлиги ҳамда қизил армиянинг босқинчилик сиёсатига қарши қаршилик курашларини ниқоблаш учун ўйлаб топилган. Бу тушунчалар "бандитлик", "қароқчилик" деган сўзлар билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилган.

Шукрки, ўша аждодларнинг эзгу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қони, тарихий хотирасида сақланиб қолди ва ҳануз яшамоқда. Бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган "Янги Ўзбекистон" ғояси замирида ана шундай улуғ аждодларимизнинг орзу-интилишлари ва армонлари мужассам.

Шу маънода, Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб, азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ.



### ИНСОН — АЗИЗ, ХОТИРА — МУҚАДДАС!

Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги фармойишига кўра, Қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди. Унда 5 та йўналишда 32 та вазифа белгиланган.

Бу борада давлат ҳокимияти идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари ана шундай тизимли ишларни изчил амалга ошираётган бир пайтда Олий суд томонидан ҳам қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича бир қатор муҳим натижаларга эришилганини қайд этиш керак.

Авваламбор, қатағон қурбонларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар кўламини кенгайтириш учун масъулларга Олий суд архивидаги мавжуд ҳужжатлардан фойдаланиши учун шароит яратилди. Қолаверса, бу борадаги тегишли ҳужжатларни ўрганиш зарурати туғилган тақдирда, мутахассислар ишлаши учун Олий суд идоравий архивида алоҳида хона ташкил этилди.

Энг муҳими, "Йўл харитаси"да Республика ишчи гуруҳи, Олий суд ҳамда мутасадди вазирлик ва идораларга тегишли илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра, реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонлари номларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш вазифаси юклатилган.

Мазкур вазифа ижроси доирасида ўтган қисқа даврда қатағон қурбонлари реабилитацияси бўйича масала ўрганилиб, бу борадаги таклифлар Республика ишчи гуруҳига кўриб чиқиш учун юборилди. Олий суд ва қуйи судлар томонидан ҳудудлардаги барча архивларда қатағон қурбонларига оид ишлар инвентаризация қилиниб, оқланган 1 минг 868 нафар шахснинг рўйхати вилоятлар кесимида шакллантирилди ҳамда Республика ишчи гуруҳига тақдим этилди.

Шунингдек, Олий суд раисининг 2021 йил 9 февралдаги Фармойишига биноан, муайян сабабларга кўра, реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонларининг номларини оқлаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди. Бундан ташқари Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, Республика ишчи гуруҳи аъзоси Б.Ҳасанов томонидан мустабид шўро тузуми даврида қатағон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган шахслар рўйхати тақдим қилинган бўлиб, Олий судда ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан ушбу ҳужжатлар ўрганиб чиқилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва "Шаҳидлар хотираси" жамоат фондининг илмий ходимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида мустабид тузум даврида ноҳақ қатағон қилинган, бироқ муайян сабабларга кўра, оқланмай келаётган кўплаб шахслар аниқланди. Улар асосан, йирик диний уламолар, Бухоро амири, Хива хони яқинлари, юқори ҳарбий ва фуқаролик амалдорлари, миллий истиқлол кураши қатнашчиларидан иборат шўро мафкурасини қабул қилмаган инсонлардир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи Президентимизнинг тегишли фармойиши ижроси юзасидан тузилган "Йўл харитаси"нинг 10-бандига биноан, мустабид совет тузуми даврида қатағон қилинган бир гуруҳ ватандошларимизни оқлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат билан чиқди. Натижада 2021 йил 25 август куни Олий судда кўрилган жиноят ишлари доирасида совет даврида қатағон этилган 115 нафар шахс оқланди.

Музей томонидан қилинган иккинчи мурожаат асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий судга яна юздан ортиқ қатағон қурбонларини оқлаш хусусида протест киритди. Жорий йилнинг 6 январида Олий судда бўлиб ўтган суд жараёнида жами 5 та жиноий иш кўриб чиқилди.




### ОҚЛАНГАНЛАР КИМЛАР ЭДИ?

**Биринчидан.** Ўрта Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) ҳайъатининг 1925 йил 4 сентябрдаги махсус йиғилиш қарорига кўра, Мирза Ибрагимов Мир Ахур ва бошқалар (жами 43 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 61-моддаси асосида жазоланган. Хорижий мамлакатлар ёки ижтимоий гуруҳлар фойдасига оғиш юзасидан айблов чораларини кўзда тутадиган ушбу моддага кўра, улар совет давлатига қарши қуролли қаршилик ҳаракатларида иштирок этишда айбланган.

Бу юртдошларимизга, шунингдек, ЎзССР Жиноят кодексининг 67-моддасига асосан аксилинқилобий ташкилотларга аъзолик қилиш ва 69-моддага биноан инқилобий ҳаракат ва пролетариат синфига қарши фаол ҳаракат ёки курашиш айблари ҳам юкланган. Яъни улар фуқаролар уруши вақтида аксилинқилобий ҳукумат тузишда айбли деб топилиб, сургун жазосига ҳукм қилинган ва уларга тегишли мол-мулки мусодара этилган.

**Иккинчидан.** БДСБ доимий вакили ҳузуридаги Учлик йиғинининг 1930 йил 24 январдаги қарорига кўра, Аппах Ходжа Асқар Ходжаев ва бошқалар (жами 40 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 78-моддасига мувофиқ, бандитизмда айбланган. Улар совет давлатига қарши қуролли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганликда айбли деб топилиб, сургун ва энг оғир жазо — отишга ҳукм қилинган ва мол-мулки мусодара қилинган.

**Учинчидан.** БДСБ доимий вакили қошидаги Учлик кенгашининг 1930 йил 24 мартдаги баёнига кўра, Абдурахимов Мирза Ходжа ва бошқалар (жами 15 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 78-моддаларига кўра, аксилинқилобий махфий ташкилотни тузганликда ҳамда совет давлатига қарши қуролли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганликда айбли деб топилган. Улар ҳам сургун қилинган, отилган ва мол-мулки мусодара бўлган.

**Тўртинчидан.** БДСБ доимий вакили қошидаги Учлик кенгашининг 1930 йил 25 январдаги баёнига кўра, Мансурбеков Муҳаммад Содиқ ва бошқалар (жами 5 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 78-моддаларига асосан, аксилинқилобий махфий ташкилот тузганликда ҳамда совет давлатига қарши қуролли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганликда айбли, деб топилган. Улар Ўрта Осиёдан сургун қилиниб, мол-мулки мусодара этилган.

**Бешинчидан.** БДСБ доимий вакили қошидаги Учлик кенгашининг 1930 йил 19 мартдаги баёнига кўра, Сафаров Тоғай Амин ва бошқалар (жами 12 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 78-моддаларига мувофиқ, аксилинқилобий махфий ташкилот тузганликда ҳамда совет давлатига қарши қуролли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганликда айбли деб топилган ва оғир жазоларга дучор этилган.

**Олтинчидан.** РСФСР Олий Инқилобий трибунали Туркистон Совет Республикаси Марказий Ижроия қўмитасининг 1921 йил 23 декабрдаги ҳукмига кўра, Шариф Ходжаев Садриддин Хон ва бошқалар (5 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 78-моддаларига асосан, аксилинқилобий махфий ташкилот тузганликда ҳамда совет давлатига қарши қуролли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганликда айбли, деб топилган. Афсуски, уларни ҳам юқорида тилга олинган ва ҳамюртларимиз дучор этилган аччиқ қисмат ўзининг шафқатсиз қаърига тортган.

Барча айбланувчиларга нисбатан жиноят ишлари ҳужжатлари ўрганилганда, уларнинг айбдорлиги суд ҳукми билан аниқланмасдан туриб, судсиз жиноий жавобгарликка тортилганини кўриш мумкин. Зеро, иш ҳужжатлари уларнинг ўз даврида ватан ҳимояси, юрт мустақиллиги, дини, эътиқоди, маданияти ва миллат ғурури учун курашганликларини тасдиқлайди.

Шунингдек, дастлабки тергов даврида жиноят ишида айбланувчи тариқасида ўтган барча шахслар дастлаб айбловни инкор қилиб келган бўлсалар-да, ҳибсга олингач, тайзиқлар остида айбларига иқрорлик кўрсатмаси берганликларини сўроқ баённомасида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари уларни айбдор деб топишда, ишга тааллуқли бўлган ҳолатлар атрофлича ўрганилмасдан, текшириб чиқилмасдан ва баҳоланмасдан биргина иқрорлик кўрсатмаларига асосланган ҳолда ҳукм чиқарилган.

Иш ҳужжатларида эса, айрим айбдор шахслар фақат ўзбек тилини билиб, ўз кўрсатмаларини араб алифбосида ёзишган бўлсалар-да, тергов ҳаракатлари рус тилида олиб борилиб, гўёки уларнинг кўрсатмалари ўзбек тилига таржима қилинганлиги кўрсатиб ўтилган, холос.

Ҳолбуки, жиноят ишини тергов қилган шахслар араб алифбосида ёзишни ҳамда рус тилини билганлигини тасдиқловчи бирон-бир далил мавжуд эмас. Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришга масъул бўлган шахслар томонидан ишга таржимон жалб қилинмаган.

Юқоридаги айбдор шахсларнинг жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилганида ўз она тилидан ёки таржимон хизматидан фойдаланган ҳолда кўрсатма бериш орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши чеклаб қўйилган. Бу эса, жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари бир ёқлама олиб борилганини кўрсатади.

Бундай ҳолатда Марказий Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) доимий вакили ҳузуридаги Учлик кенгашининг баёнини қонуний ва асосли деб бўлмайди. Ўрганилган жиноят ишлари бўйича уларнинг айбдорлигига оид шубҳаларни бугунги кунга келиб, бартараф этиш имконияти тугаган. Шу сабабли уларнинг жиноий ҳаракатлари тахмин ва фаразларга асосланганлиги учун айбини исботловчи далил сифатида эътироф этиб бўлмайди.

Муҳими, қанчадан-қанча Ватан фидойиларининг пок номлари тикланди. Қатағон этилган ҳар бир шахснинг "дело"лари синчковлик билан ўрганилди ва ўрганилмоқда. Шу билан бирга, мавзуга оид "Ҳасратга инган мактублар", "Тарихнинг номаълум саҳифалари" номли китоблар нашр этилди. Ўн тўрт жилдли Хотира китоби нашрдан чиқиш арафасида.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг айни йўналишдаги оқилона ва жасоратли сиёсати туфайли, биринчи навбатда, барча махфий архивларнинг эшиклари тадқиқотчилар, олимлар, тарихчилар, ҳуқуқшунос ва мутахассислар учун кенг очилди. Мазкур соҳадаги архив ҳужжатлари наинки Тошкентда, балки бутун юртимизнинг олис ҳудудларидаги архив идораларида мавжуд экани аниқланди.

**Икром МУСЛИМОВ,**
*Олий суд раиси ўринбосари*

*(«Янги Ўзбекистон» газетасининг 2022 йил 31 январь сонидан олинди.)*

*Моҳият*

# Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс

## *фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси мустаҳкамланмоқда*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Хусусан, кодексга қарийб 28 йил давомида 170 га яқин ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Яна 250 дан ортиқ янги модда қўшилди.

Айни чоғда, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, жабрланувчи аризасига асосан юритиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни тугатиш тартибини татбиқ этиш, маъмурий жазо чоралари тизимини либераллаштириш ҳамда маъмурий жавобгарликка тортишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар тоифасини мақбуллаштириш бугунги кун талабларидан биридир.

Шундан келиб чиқиб, янги кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат билан таклиф этилаётган тартиблар асосан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Янги кодекс лойиҳасига шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдорлиги ваколатли давлат органининг ва мансабдор шахснинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, ҳеч ким ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ҳамда барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги каби конституциявий қоидалар киритилмоқда.

Амалдаги кодексда маъмурий ҳуқуқбузарликни белгилаш ваколати маҳаллий ҳокимликларга ҳам берилган эди. Янги кодекс лойиҳаси билан бундай қоида чиқариб ташланиб, маъмурий жазо чоралари фақат кодекс билан белгиланиши тўғрисидаги тартиб мустаҳкамланмоқда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби илғор халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилмоқда. Хусусан, ҳуқуқбузарликка оид иш юритиш тизимини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, амалдаги кодексда мавжуд бўлмаган исбот қилиш, далиллар тақдим этиш, холислар, экспертиза тайинлаш, суд мажлисини видеоконференция тарзида ўтказишга оид янги тартиблар жорий этилмоқда.

Қолаверса, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда рад қилиш асослари ва тартиби, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга нисбатан қўйиладиган талаблар ва бошқа ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муҳим масалаларга оид қоидалар моҳияти батафсил ёритиб берилмоқда.

Фуқароларнинг ортиқча оворагарчилиги ва сансалорликларнинг олдини олиш, давлат органлари ходимларининг вақти ҳамда ресурсларни тежаш мақсадида маъмурий ҳуқуқбузарликларни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш ҳамда ягона автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан иш юритиш тартибларининг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, маъмурий жазо чоралари тизими такомиллаштирилмоқда. Жумладан, ўз аҳамиятини йўқотган "маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш" жазоси кодексдан чиқарилмоқда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш тизими мукаммаллаштирилмоқда. Яъни коррупция ҳолатларига имкон берувчи омилларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида нақд пулда жарима ундириш тартиби бекор қилинмоқда.

Бундан ташқари маънан эскирган, амалда ўз аҳамиятини йўқотган ёки фуқаролик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган моддаларни ҳам кўриб чиқишни замоннинг ўзи тақозо этаётганди. Шу сабабли амалдаги кодексда белгиланган 33 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексининг янги лойиҳасидан чиқарилмоқда.

Ижтимоий муносабатларни тартибига солиш зарурати, объектив эҳтиёждан келиб чиқиб, 12 та янги турдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ёки мажбурий энергетик текширувлар ва экспертизалар ўтказмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Бундан ташқари қатъий маъмурий жарималар ҳам қайта кўриб чиқилиб, уларнинг энг кам ва энг баланд миқдорларини белгилаш орқали жарималарни пасайтирган ҳолда амалдаги жазолар либераллаштирилмоқда.

Ўз навбатида, кодекс лойиҳасини иккинчи ўқишда такомилига етказиш борасида депутатлар ва масъул қўмита кенг кўламли таҳлилларни амалга ошириши лозим бўлади. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тегишли нормаларни янада такомиллаштириш чораларини кўриши айни муддаодир.

**Шерзод ТЎХТАШЕВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

*Парламент фаолияти*

# Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Янги қонун лойиҳасида қўриқлаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, қўриқлаш фаолияти турлари, уни амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан қўриқлаш фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишнинг қонуний асослари яратилади.

Қўриқлаш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва субъектларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий дахлсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий механизм шакллантирилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

### Депутатлар билдирган таклифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топди

**"Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"**ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди. Депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилган лойиҳада жисмоний ва юридик шахсларга эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши, ушбу ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаларига компенсация бериш тартиб-таомилларини белгилаш назарда тутилмоқда.

Аҳоли ва ташаббускорларнинг эътиборини ер участкалари давлат эҳтиёжи учун эмас, балки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётганига қаратиш мақсадида қонунчиликда ер участкасини фақат жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига олиб қўйиш мумкинлиги белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ йиғилишларида депутат ва мутахассислардан келиб тушган таклифлар асосида лойиҳага қатор тузатишлар киритилгани таъкидланди. Хусусан, ҳужжатда 7 та асосий тушунча мавжуд бўлиб, таклиф ва таҳлиллар асосида битта асосий тушунча чиқарилди ва битта янги тушунча киритилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит қонун билан тартибга солинишига, низоли вазиятларни олдини олиш ва ушбу соҳадаги низоларни самарали ҳал этишга ҳисса қўшади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ваколатлари кенгаймоқда

Депутатлар **"Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига аниқланган ноқонуний қурилмаларни фақат мажбурий кўрсатма бериш ёки судлар орқали бартараф этиш ҳуқуқи берилган. Бироқ ўзбошимчалик билан барпо этилган ноқонуний қурилмаларни мажбурий тартибда бартараф этишга оид судларга аризалар тақдим этишда олдиндан давлат божи тўловидан озод этилмагани бир қатор қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар билан коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, кўп квартирали уйларни сақлаш ва ундан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга кўмаклашишда инспекция иштирокини янада кенгайтириш йўли билан кўп квартирали уйлардаги муҳандислик-техник коммуникациялари ва уйнинг конструктив қисмлари таянч қобилиятини, зилзилабардошлилигини сақлаб қолиш ҳамда кўчмас мулк эгаларининг хавфсиз яшашига шароит яратиб берилишига эришилади.

Амалдаги қонунчиликда уй-жой мулкдорлари ширкатлари юқорида қайд этилган хизматлар учун тегишли солиқ тўловларидан озод этилган бўлиб, бошқарув ташкилотлари фаолиятига нисбатан ушбу имтиёзлар татбиқ этилмаётгани турли келишмовчиликларни юзага келтирмоқда. Айни пайтда кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизими такомиллаштирилаётгани ушбу солиқ имтиёзларини бошқарув ташкилотлари фаолиятига ҳам татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бошқарув органларининг молиявий барқарорлиги таъминланиши, кўп квартирали уйларни бошқариш тизимида рақобат муҳити яратилиши ҳамда аҳолига самарали хизматлар кўрсатишнинг янги босқичларини амалиётга татбиқ этиш орқали бугунги кунда уй-жой фондларини сақлаш борасида кўчмас мулк эгалари томонидан билдирилаётган кўплаб эътирозларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича депутатлар томонидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирилиб, лойиҳа концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати***






*Шарҳ*

# Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари маъмурий суд ҳимоясида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Президентимизнинг 2021 йил 22 ноябрдаги **"2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармойиши бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда мазкур маъмурий ислоҳотлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган.

Шу ўринда Президентимизнинг жорий йил 29 январь куни қабул қилинган **"Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур қарор мамлакатимизда маъмурий юстиция соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Конституциямизнинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ўз навбатида, мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши Асосий қонунимизда белгиланган ушбу ҳуқуқлар самарали амалга оширилишини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан фуқаро ёки тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилганда, уларни ҳимоя қилиш маъмурий судлар томонидан амалга оширилади.

Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Дунёнинг тараққий этган мамлакатларида айнан маъмурий судлар фуқаро ёки тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ижро органлари томонидан бузилишининг олдини олишда, уларни ғайриқонуний қарорлар, ҳаракатлар ё ҳаракатсизликдан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

Шу муносабат билан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш зарур.

Бунинг учун, аввало, жамиятда маъмурий судларга бўлган ишончни янада ошириш мақсадида давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш талаб этилади.

Дарҳақиқат, суд амалиёти таҳлил қилинганда маъмурий судларда иш ҳолатларини исботлаш мажбурияти тарафларнинг ўзига юклатилгани уларни тенгсиз ҳолатга келтираётганини кўрсатди. Жумладан, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки юридик шахснинг ўз талабларини исботлаб бериш бўйича имкониятлари давлат органларининг ресурсларига қараганда бирмунча чекланган.

Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, оммавий-ҳуқуқий низолар бўйича суд ҳужжатлари ижро қилиш учун давлат органларига оддий хат орқали юборилади. Ушбу ҳужжатлар бўйича мажбурий ижро варақалари берилмайди.

Шу сабабли фуқаро ёки юридик шахснинг шикояти асосида чиқарилган суд ҳужжати ижроси давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилишини таъминлаш учун таъсирчан назорат механизмлари мавжуд эмас эди. Бунинг натижасида кўп ҳолатларда фуқаролар ёки юридик шахслар манфаатида чиқарилган суд ҳужжати давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ижро этилмасдан қолаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Масалан, 2021 йилда маъмурий судларнинг 5 минг 331 та қарорида давлат органларига қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича мажбурият юклатилган бўлиб, уларнинг 2 минг 905 таси, яъни 54,5 фоизи ижро этилгани ҳақида судларга тегишли ахборот берилмаган.

Ушбу ҳолатлар инобатга олинган ҳолда, Президентимиз қарорида давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришга қаратилган муҳим чоралар белгиланди.

Жумладан, маъмурий суд ишларини юритишни **"суднинг фаол иштироки"** тамойили асосида амалга ошириш назарда тутилди. Бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбурияти юкланади, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса, далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишига шароит яратилади.

Хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда маъмурий суд томонидан ўз ташаббуси билан далил йиғиш амалиёти Германия, Грузия, Озарбайжон ва Қозоғистон каби давлатларнинг қонунчилигида мавжуд.

Қарор билан жисмоний ва юридик шахсларга одил судловга эришишда имкониятларни кенгайтириш мақсадида судга мурожаат қилишда "ягона дарча" тартиби жорий этилиши белгиланди. Фуқаро ва тадбиркорларни сарсон қилмаслик учун судга берилган даъво аризасини тааллуқли эмаслиги асоси билан қайтариш тақиқланади.

Даъво аризасини қабул қилган суднинг ўзи уни кўриб чиқиш учун ваколатли судга ўтказиши назарда тутилмоқда. Бу ҳам, албатта, фуқароларнинг судга мурожаат қилишида қулайликлар яратади, уларнинг оворагарчиликлари олди олинишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, фуқароларнинг суд-ма-суд овора бўлишининг олдини олиш мақсадида қарорда ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга, унга сабабий боғланишда бўлган, яъни давлат органи ёки мансабдор шахс етказган **зарарни ундириш талабини** ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқи тақдим этилди ва бундай талабларни кўриб чиқиш маъмурий судлар ваколатига ўтказилиши белгиланди.

Хусусан, 2021 йилда маъмурий судлар давлат органи қарори устидан 15 минг 146 та шикоятни кўриб чиққан бўлса, улар натижасида етказилган зарарни ундириш бўйича **4 минг 28 та** иш фуқаролик ёки иқтисодий судлар томонидан кўрилган. Эндиликда мазкур ишлар ҳам маъмурий судлар томонидан асосий низо билан бирга кўриб чиқилади.

Аҳолининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, низо тарафлар ўртасида мақбул усулда ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида қарорда фуқаро ёки тадбиркорлар шикоятлари асосида кўриладиган ишларда ярашувга эришиш механизмлари кенг жорий қилинади. Тарафларга айрим тоифадаги ишлар бўйича **келишув битимини тузиш** ҳуқуқи ҳам берилади.

Эндиликда қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг давлат органи **суд қарори ижросини ихтиёрий равишда таъминламаганда,** унинг мансабдор шахсига суд жаримасини қўллаш, суд қарори ижроси кейинчалик ҳам таъминланмаган тақдирда, дастлабки **суд жаримасини** оширилган миқдорда қўллаш назарда тутилди.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши давлат органлари фаолият юритишини, фуқаро ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди. Шунингдек, маъмурий суд иш юритувини халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда такомиллаштиришга ҳамда маъмурий судларни ҳақиқий халқ судига айлантиришга хизмат қилади.

**Шербек НАЗАРОВ,**
*Олий суд бўлим бошлиғи*

***Амалдаги конунчиликда ер участкалари ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш қатъий меъёрлар асосида белгилаб қўйилган.***

*Таассуф*

# Асоссиз даъво

## *ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлди*



Табиийки, ушбу қонун меъёрларига риоя қилмаслик охир-оқибатда турли оворагарчиликларга сабаб бўлади. Қуйидаги мисол ҳам бунинг исботидир.

Термиз шаҳридаги Мудофаа вазирлигининг 12-сонли ёпиқ ҳарбий шаҳарчасига қарашли ер майдонида ҳарбий хизматчилар учун кўп қаватли хизмат турар-жойлари қуриш режалаштирилган. Бироқ Термиз шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2019 йил 23 апрелдаги 180-сонли далолатномасига биноан мазкур ер майдонининг 1.800 квадрат метр қисми қонунга зид равишда "SHIRINTOYLAR TA'LIM MUASSASASI" масъулияти чекланган жамиятига хусусий нодавлат мактабгача таълим биносини қуриш учун ажратиб берилган. Шу боис Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округи Жанубий оператив қўмондонлиги Термиз ҳокимлигига ёзма равишда мурожаат қилиб, ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этишни сўраган.

**(Давоми 6-бетда)** ▶

*Жиноят ва жазо*

# Фожиага сабаб бўлган ғазаб

## *бир одамнинг умрига зомин бўлди*

***Жаҳл ва ғазабни жиловлай олмаслик, ичкиликбозлик ва лоқайдлик кишини ҳеч қачон яхшиликка етакламайди. Қуйида баён этилаётган жиноят тафсилоти ҳам бунга яққол мисол бўла олади.***

Ўтган йилнинг 5 июнь куни ургутлик Соли Мажидов (исм-шарифлар ўзгартирилган) маҳалла марказидаги ошхонада спиртли ичимлик ичаётганда ёнига таниши Умрзоқ Хўжаназаров келади. Улар улфатчиликни давом эттиришади. Ошхонадан чиқиб кетаётганида У. Хўжаназаров С.Мажидовдан бир шиша ароқ олиб беришни сўрайди. С.Мажидов бунинг имкони йўқлигини айтгач, Умрзоқ уни ҳақорат қилади. Бундан қаттиқ жаҳли чиққан Соли Умрзоқнинг юзига мушт туширади. Кутилмаган зарбдан ерга йиқилган Умрзоқни Соли аёвсиз тепкилайди.

**(Давоми 6-бетда)** ▶

*Қонун кўмаги*

# Ҳалол меҳнат қадри

## *марҳум ходимнинг оила аъзоларига 250 миллион сўмлик компенсация ундириб берилди*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган шикастлар тўғрисида далолатнома, суд қарори, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, давлат меҳнат техника инспектори ёхуд бошқа мансабдор шахслар (органлар)нинг хулосаси, касб касаллиги тўғрисида тиббий хулоса, айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор, касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа ваколатли органи қарори меҳнат жароҳати учун иш берувчининг айбдорлиги ёхуд жавобгарлигини исботловчи далил ҳисобланади.



Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, коронавирус инфекциясининг тарқалиши муносабати билан ушбу касалликка қарши курашиш учун жалб этилган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2020 йил 26 мартдаги **"Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Президент қарорида коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлигига шикаст етказилгани ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмагани муносабати билан бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар миқдори тасдиқланган.

Меҳнат муносабатига киришган ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида тегишли чоралар кўрилган бўлса-да, афсуски, коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга жалб қилинган баъзи тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг соғлиғига шикаст етгани ҳам айни ҳақиқат.

Ходимларнинг соғлиғини тиклаш, етказилган зарарни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда ҳамда тегишли тўловлар тўлаб берилмоқда. Баъзи ҳолатларда ходимларнинг ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилинмоқда. Масалан, тиббиёт ходими Р.А. коронавирус инфекцияси тарқалиши муносабати билан ушбу касалликка қарши курашиш учун махсус ташкил этилган тиббиёт муассасасига ишга жалб қилинган. Ўз меҳнат вазафасини бажариш чоғида коронавирус инфекциясини юқтириб олган ва вафот этган.

Марҳумнинг қарамоғида бўлган оила аъзолари Президент қарорида белгиланган бир марталик компенсацияни олиш учун мутасадди идораларга бир неча бор мурожаат қилишган. Бироқ бу муаммо ижобий ҳал этилмаган. Шундан сўнг марҳумнинг оила аъзолари бир марталик компенсацияни ундириш учун судга даъво аризаси киритган.

Шу ўринда қонун ҳужжатларига назар ташласак, "Коронавиус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги вақтинчалик Низомнинг 31-бандида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиги тикланмаган тақдирда ходимларга ёки уларнинг оила аъзоларига 250 миллион сўм миқдорида бир йўла бериладиган тўлов берилиши белгиланган.

Ушбу Низомнинг 32-бандига кўра, бир йўла бериладиган тўловлар қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг соғлиғига шикаст етказгани ёки бошқа оқибатлар юзага келиши муносабати билан тўланадиган тўловларни сақлаб қолган ҳолда қўшимча равишда амалга оширилади. Бу турдаги тўлов Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ана шу асосларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди. Фидокорона меҳнат қилган марҳум ходимнинг оила аъзоларига 250 миллион сўм миқдорида бир марталик компенсация ундириб берилди.

Бу мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясида эканидан далолатдир.

**Собир НАБИЕВ,**
*Жиззах вилояти суди судьяси*

*Таассуф*

# Асоссиз даъво

## ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлди



◀ **(Бошланиши 5-бетда)**

Шундан сўнг Термиз шаҳар ҳокимлиги ҳолатни қайта ўрганиб чиқиб, ҳокимлик ҳузуридаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг хатосини тан олган ҳолда 1.800 квадрат метр ер майдонини ажратиш ҳақидаги 1182-сонли қарорини бекор қилган. Бир қарашда хатолик тўғирланиб, муаммо ҳал этилгандек туюлади. Афсуски, амалда бундай бўлмади.

Гап шундаки, масъулияти чекланган жамият раҳбари Ж.Одинаева мансабдор шахсларнинг бу каби хатти-ҳаракатларини ўзига нисбатан ноҳақлик деб ҳисоблади ва Термиз шаҳар ҳокимининг қарорини бекор қилишни сўраб, судга даъво аризаси киритди.

Термиз туманлараро маъмурий судида баён этилган ҳолатлар ва тегишли ҳужжатлар батафсил ўрганиб чиқилди. "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 59-моддаси 1-қисмига мувофиқ, маъмурий ҳужжат манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикоятига кўра, маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Қолаверса, ушбу модданинг 7-қисми 3-хатбошида манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг ғайриҳуқуқийлигини билган ёки ўз айбига кўра, бу ҳақда билмаган бўлса, ҳимоя қилинмайди, дея қайд этилган.

Ана шу қонун талабларига таянган суд даъво аризасини асоссиз деб топди ва уни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Аммо бундан норози бўлган масъулияти чекланган жамият раҳбари Ж.Одинаева Сурхондарё вилояти маъмурий суди судлов ҳайъатига аппеллация тартибида шикоят қилди. Судлов ҳайъати апелляция шикоятини қаноатлантирмади ва биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат, албатта, салбий оқибатга олиб келади. Ж.Одинаеванинг асоссиз даъвоси ҳам ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқарди. Агар ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишда қонун талабларига риоя қилинганда, ортиқча оворагарчиликларга ўрин қолмас эди. Зеро, мамлакатимиз Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги керак. Шу маънода баён этилган воқеа тафсилотидан мутасаддилар ҳам, фуқаролар ҳам бирдек хулоса чиқариши зарур.

**Раҳматулла ҒУЛОМОВ,**
*Сурхондарё вилояти маъмурий суди раиси*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Жиноят ва жазо*

# ФОЖИАГА сабаб бўлган ғазаб

## *бир одамнинг умрига зомин бўлди*

◀ **(Бошланиши 5-бетда)**

Бундан ҳам кўнгли тўлмаган С.Мажидов ошхона яқинида жойлашган хўжалик моллари сотиладиган дўконга кириб, узун мих олиб чиқади ва уни ҳушини йўқотган У.Хўжаназаровнинг танасига кетма-кет санчади. Оғир жароҳат олган У.Хўжаназаров ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Яқинда С.Мажидовнинг жиноий ҳаракатлари суд мажлисида кўриб чиқилди. Суд жамоат тартибини қўпол равишда бузганган ҳолда У.Хўжаназаровни ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдирган С.Мажидовни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "л, ж" бандларига асосан айбдор деб топди ва унга нисбатан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.



Спиртли ичимлик туфайли келиб чиққан жанжал ана шундай фожиали якун топди. Агар С.Мажидов У.Хўжаназаровни кечириб, ғазаб ва қаҳрини ичига ютганида воқеа ривожи бошқача кечган бўлар эди. Қолаверса, икки маротаба оила қуриб, ажрашган, бирор тайинли ишнинг бошини тутмаган, спиртли ичимлик ичишга муккасидан кетган У.Хўжаназаровни ҳам оқлаб бўлмайди. Мудҳиш қотиллик содир этилаётганда С.Мажидов ва У.Хўжаназаровни ажратиб қўйиш ўрнига лоқайд томошабин бўлиб турган ошхона ва дўкон эгалари, шу атрофдаги бошқа одамларнинг ҳаракати ҳам эътирозга лойиқ.

Умуман, ҳар қандай вазиятда оғир-босиқ, мулоҳазали, тоқатли бўлиш, ақл билан иш тутиш, спиртли ичимлик ичишга ружу қўймаслик бу каби аянчли фожиаларнинг олдини олиши шубҳасиз. Шу маънода соғлом турмуш маданиятини шакллантириш ва тарғиб этиш ҳамиша кун тартибидаги долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

**Фарҳод ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Ургут тумани суди раиси*
**Абдуҳамид ЭГАМБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Жиноятга жазо муқаррар!*

# Фош этилган қинғирлик



***Ҳаётда қонун талабларига қатъий амал қилган киши асло ютқазмайди. Аксинча, нафс йўриғига юриб, ноқонуний ишларга қўл урадиган кимсалар қилмиши учун қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Буни қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди.***

Касби туманидаги "Пахтакор-мотор" масъулияти чекланган жамияти ММТП корхонасида бош ҳисобчи лавозимида ишлаган Баҳодир Ражабов (исм-шарифлар ўзгартирилган) қинғирлик йўли билан мўмай даромад топмоқчи бўлди. У корхона ҳисобидаги қурилиши тугалланмаган 60 ўринли шифохона биносини корхонанинг солиқ идорасидан кўп миқдордаги қарздорлик ҳолатини баҳона қилиб, қалбаки ҳужжатлар асосида "Сардор-бизнес чорва" масъулияти чекланган жамиятига 89 миллион 28 минг 529 сўмга сотиб юбориб, пулни ўз эҳтиёжларига сарфлаган. Шу тариқа масъулияти чекланган жамиятининг кўп миқдордаги мулки растрата йўли билан талон-торож қилинган.

Ваҳоланки, "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонун талабларига кўра, бу турдаги жамият фаолияти қонуний мувофиқлаштирилган бўлиши, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уни ўтказишдан камида 30 кун олдин бу ҳақда жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини хабардор қилиши зарур эди. Бироқ Б.Ражабов жамият иштирокчиларининг амалда ўтказилмаган умумий йиғилиши қарори ва имзоларни сохталаштириб, мансаб сохтакорлиги жиноятини содир этган.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, нопок кимсанинг ҳам қилмиши фош бўлди. Б.Ражабов дастлабки суриштирув жараёнида турли-туман баҳоналар билан қилган жиноятини хаспўшлашга уринди.

Суд ушбу жиноят ишини атрофлича муҳокама этиб, судланувчи Б.Ражабовга нисабатан қонуний жазо тайинлаш билан бирга судланувчидан 89 миллион 28 минг 529 сўм маблағни "Пахтакор-мотор" масъулияти чекланган жамияти ММТП фойдасига ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Қинғирлик ҳеч қачон бировга фойда келтирмаган. Б.Ражабов ҳам энди бу ҳаётий ҳақиқатни тушуниб етган бўлса, ажаб эмас.

**Ҳамид БОБОҚУЛОВ,**
*Қашқадарё вилояти суди судьяси*

*Қизиқарли фактлар*

# Солиқ мажбурияти тарихи

## *инсоният қачондан буён солиқ тўлашини биласизми?*

***"Дунёда ҳеч нарса солиқ ва ўлим каби муқаррар эмас", деган эди АҚШ Президенти Бенжамин Франклин. Инсоният доимий тартибда тўлашга ўрганиб қолган солиқлар ҳам кўп йиллик ривожланиш тарихига эга. Қуйидаги маълумотлар шу ҳақида.***



### ИБТИДО

Дунёда илк тамаддун даврлариданоқ солиқ муносабатлари шаклланa бошлаган. Илк солиқ йиғими милоддан аввалги учинчи минг йилликда қадимги Мисрда жорий этилган. Миср ҳукмдорлари аҳоли етиштирган ҳосилининг бешдан бир қисмини солиқ сифатида тўлашга мажбур қилган.

Кейинчалик солиқ амалиёти қадимги Юнонистонда ҳам пайдо бўлган. 1799 йилда тарихий Александрия шаҳри ҳудудидан топилган "Розетта ёдгорлиги" бунинг исботи бўла олади. Унда милоддан аввалги 196 йилларда Птоломейлар сулоласида амалда бўлган солиқ тизими ҳақида маълумотлар қайд этилган.

### ЎРТА АСР СОЛИҚЧИЛИГИ

Ўрта асрларда Европада мерос, эгалик ва харид учун янги солиқ турлари амалга киритилган. Бу солиқлардан олинадиган тушум асосан мудофаа учун сарфланган.

Хитой ҳам биринчилардан бўлиб солиқ тартибларини жорий этган давлатлардан бири ҳисобланади. Тан (618-907) ва Сонг сулоласи даврида (1127-1279) аҳоли рўйхатга олиниб, шу асосида уларга солиқ тўлаш мажбурияти юкланган. Йиғилган пул мудофаа, йўл ва сув иншоотлари қурилиши каби ижтимоий соҳаларга сарфланган.

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СОЛИҚЛАР

Милоддан олдинги биринчи минг йилликнинг бошларидаёқ Марказий Осиё ҳудудларида уруғ ва қабилалар ер майдонлари, сув, ўтлоқларни эгаллаш мақсадида ўзаро курашиб келган. Айрим ҳолларда улар ўзларидан кучлироқ қабилаларга ер солиғи, яъни ўлпон тўлаб туришган.

Эрон ҳукмдори Доро босқинидан сўнг Марказий Осиё ҳудудида илк бор доимий тартибдаги солиқлар жорий қилинган.

Александр Македонский Марказий Осиёни босиб олгач, маҳаллий аҳоли солиқларни юнонлар тартиби бўйича тўлай бошлаган. Ўша пайтда солиқлар даромад солиғи ва эҳсонлардан иборат бўлган. Даромад солиғи даромаднинг ўн ёки йигирмадан бири миқдорида ундирилган. Ундан жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш харажатларини қоплаш мақсадида фойдаланилган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида солиқ тизими янада такомиллаштирилган. Масалан, илгари ҳудудида солиқ йиғувчиларнинг иш ҳақи солиқ тўловчилар ҳисобидан тўланган. Шунинг учун улар қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ундиришга ҳам ҳаракат қилган. Амир Темур солиқ ундирувчилар халқнинг устига ортиқча юк бўлмаслиги учун уларга маош тайинлаган. Кейинги даврларда Марказий Осиёда солиқ тизими шу асосда ривожланиб борган.

Бундан ташқари Амир Темур ҳукмронлиги даврида асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган хирож ва ушр солиқлари амал қилган. Савдогарлар ва ҳунармандлар тамға ёки закот тўлашган, чегарадан ўтган моллар ҳисобидан бож олинган. Бу солиқлар давлат хазинасини тўлдирган.

### ЗАМОНАВИЙ ШАКЛДАГИ ДАРОМАД СОЛИҒИ АСОСИ

Европа давлатларида ҳам солиқ ундиришнинг ўзига хос тарихи бор. Масалан, Англияда қирол Жон томонидан 1203 йилда жунга экспорт солиғи жорий этилган. 1275 йилда қирол Эдуард вино солиғини жорий этган. 1572 йилда Англияда камбағалларни қўллаб-қувватлаш мақсадида камбағаллик солиғи амалга киритилган.

Буюк Британия ташкил топгач, Англия ва Ульэсда юзага келган пул тақчиллигини бартараф этиш учун даромад солиғини ундириш белгиланган. Бироқ ушбу солиқ тури 1842 йилдагина доимий равишда жорий этилган. Орадан ўн тўққиз йил ўтгач, АҚШда ҳам даромад солиғи ундирила бошланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, АҚШ солиқ тизими қанча кўп даромад олинса, солиқ ставкаси шунча баланд бўлишига асосланган. Солиқ тўловчилар баъзида солиқ юкини камайтириш учун турли имтиёзлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Ҳозирги пайтда АҚШда солиқ тушумларининг қарийб ярми жисмоний шахслар тўлаётган даромад солиғидан иборат.

***Кўриниб турганидек, давлат бюджетининг асосий манбаси ҳисобланган солиқ тизими ҳар бир мамлакатда ўзига хос тарзда шаклланган. Ҳозирги пайтда ҳам солиқ қонунчилиги тобора ривожланиб бораётгани сабабли унинг турли шакллари юзага келмоқда.***

**Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***
**Козимджан КАМИЛОВ**
**Робахон МАХМУДОВА**
**Халилилло ТУРАХУЖАЕВ**
**Икрам МУСЛИМОВ**
**Бахтиёр ИСАКОВ**
**Холмўмин ЁДГОРОВ**
**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**
**Замира ЭСОНОВА**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7284
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.